



ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР ҲУҚУҚБУЗАРЛИГИ ПРОФИЛАКТИКАСИ СОҲАСИДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИСЛОҲОТЛАР

Ризаев Худойназар Амирулло ўғли

ТДЮУ Ихтисослаштирилган филиали

Жиноят-ҳуқуқий фанлар кафедраси ўқитувчиси,
Тошкент, Ўзбекистон.

<https://doi.org/10.5281/zenodo.6570087>

MAQOLA TARIXI

Qabul qilindi: 01- may 2022

Ma'qullandi: 10- may 2022

Chop etildi: 15- may 2022

KALIT SO'ZLAR

Вояга етмаганлар, ҳуқуқбузарлик, профилактика, ислоҳотлар, олдини олиш, болалар, ҳуқуқ, назоратсиз, қаровсиз, девиант.

ANNOTATSIYA

Мазкур мақолада вояга етмаганлар ҳуқуқбузарлиги профилактикаси соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотларга доир масалалар баён этилган. Шунингдек, мазкур мақолада муаллиф вояга етмаганлар ҳуқуқбузарлиги профилактикаси соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар ва вазифаларнинг негизи бўлиб, энг аввало, инсон ҳуқуқлари ҳимоясининг кафолатларини сўзсиз таъминлаш, қонун ҳамда адолат устуворлигини қарор топтириш ҳисобланиши кераклигини айтиб ўтган. Бундай масъулиятли вазифаларни бажариш учун ҳуқуқий механизмни ҳам такомиллаштириш лозимлигини асослаб мақолада ёритиб берган.

Кейинги йилларда мамлакатимизда вояга етмаганлар ҳуқуқбузарликларининг олдини олиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Бугунги кунда вояга етмаганлар ўртасида девиант хулқ-атворнинг турли шаклларида ғайриижтимоий қилмишларнинг содир қилиниши ёш авлод тарбияси учун маъсул бўлган барча соҳа вакиллари ташвишга солмоқда.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг 18,9 млн.нафари ёки 54 фоизини 30 ёшгача бўлган ёшлар ва болалар ташкил этади¹.

Демак, улар жамиятда етакчи куч. Уларга ҳаётда ўз ўринларини топишлари учун конституцион ҳуқуқ ва эркинликлари тушунтирилиши билан бирга турли давлат ва жамоат ташкилотларига аъзо бўлишлари, таълим олишлари, турли ёт ғоялар таъсирига берилмасликлари, бўш вақтларини мазмунли ташкил этишлари доимий равишда тушунтириб борилиши, зарурат бўлганда, амалий кўмак берилиши лозим бўлади. Шунинг учун ҳам вояга етмаганлар ҳуқуқбузарликларининг олдини олиш бу борадаги бугунги кундаги амалга

¹ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 18 январдаги 23-сонли қарорига илова Ўзбекистонда ёшларга оид давлат

сиёсатини 2025 йилгача ривожлантириш концепцияси (3-боб).



оширилаётган ишларнинг қай даражада эканлиги ҳам муҳим аҳамиятга эгадир.

Дарҳақиқат, вояга етмаганлар ҳуқуқбузарликларини келиб чиқишига сабаб уларни ўз навбатида қаровсиз ва назоратсиз қолишидир. Бугунги кунда республикамизда вояга етмаганлар қаровсизлиги ва назоратсизлигини бартараф қилиш ва унинг олдини олишнинг аҳамияти шу билан белгиланадики, бугунги кунда ушбу салбий ҳолат, вояга етмаганлар томонидан турли ҳуқуқбузарликлар содир қилинишига муҳит яратиб бермоқда.

Гарчи кейинги йилларда мамлакатимизда вояга етмаганлар ҳуқуқбузарликлари, уларни қаровсизлиги ва назоратсизлигини бартараф қилиш бўйича бу борада ютуқларга эришилган бўлса-да бепарволикка йўл қўйиб бўлмайди.

Вояга етмаганлар ҳуқуқбузарликлари ва уларнинг қаровсизлиги ҳамда назоратсизлигининг олдини олиш бўйича тадқиқот ишларини олиб борган олимларнинг фикрича, ушбу салбий ҳодисанинг келиб чиқишида асосий омил-оиланинг катта ёшли аъзолари билан вояга етмаганлар ўртасидаги барқарор, ижтимоий алоқанинг йўлга қўйилмаганлиги натижасида вояга етмаган шахснинг бошқа жойдан ҳаммаслак шахс топиши ҳисобланади².

Вояга етмаганлар ҳуқуқбузарликларининг барвақт олдини олишнинг асосий мақсади –

² Исмаилов И. ва бошқалар. Вояга етмаганлар назоратсизлиги ва ҳуқуқбузарлигининг олдини олиш: Ўқув-амалий қўлланма. / Масъул муҳаррир И.Исмаилов. –Т.: Республика болалар ижтимоий мослашув маркази, 2011. – Б. 179.

маъмурий ҳудудларда яшовчи оилалар ва улардаги муаммолар ҳақида тезкор хабардор бўлиш, вояга етмаганлар ўртасида содир этилиши мумкин бўлган низоларни барвақт профилактикасини таъминлаш, нотинч оилалардаги ижтимоий руҳий-муҳитни соғломлаштириш ҳамда аҳоли ўртасида ҳуқуқий тарғибот ва ташвиқот ишларини амалга оширишдан иборатдир. Шу билан бир қаторда вояга етмаганлар ҳуқуқбузарлиги профилактикаси соҳасида амалга оширилаётган вазифалар ва ислохотлар ҳам муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади. Бундай ислохотларидан бири, бу борада ҳуқуқий механизмни такомиллаштиришдир.

Таъкидлаш жоизки, қўйилган барча вазифаларнинг негизи бўлиб, энг аввало, инсон ҳуқуқлари ҳимоясининг кафолатларини сўзсиз таъминлаш, қонун ҳамда адолат устуворлигини қарор топтириш ҳисобланади. Шу боис биздан ушбу масъулиятли вазифаларни бажариш учун ўз ваколатларимиз, билимимиз, тажрибамиз ва бор имкониятларимизни тўлиқ сафарбар этиш, бунда асосий эътиборни ҳуқуқбузарликларни барвақт аниқлаш ҳамда олдини олишга қаратиш ва бу борада бир қанча вазифаларни амалга ошириш, ҳуқуқий механизмни ҳам такомиллаштириш талаб этилади.

Шулардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 29 сентябрда қабул қилинган “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида”ги, Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси



тўғрисида”³ги ва Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 14 сентябрдаги “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”⁴ги, 2016 йил 16 сентябрдаги “Ички ишлари органлари тўғрисида”⁵ги, 2017 йил 8 сентябрдаги “Болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги, 2019 йил 2 сентябрдаги “Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида”⁶ги ЎРҚ-561-сонли Қонунлар ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 мартдаги ПҚ-2833-сонли “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 мартдаги “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2833-сон қарори билан тасдиқланган “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссия тўғрисида”ги Низом, “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссияси таркиби”, “Вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссиялар тўғрисида”ги, “Одам савдосига қарши курашиш

бўйича республика идоралараро комиссияси тўғрисида”ги Низомлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йилдаги 23 августдаги “Ички ишлар органлари бошқарув, назорат ва шахсий таркиб билан ишлашнинг самарали тизимини жорий этиш бўйича чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3919-сонли, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 февралдаги “Тошкент шаҳрида жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПҚ-3528-сонли Қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 июндаги “Тошкент шаҳрида жамоат тартибини таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3786-сон Қарори ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 24 декабрдаги “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-4075-сон Фармони шулар жумласидандир. Шунга қарамасдан, вояга етмаганлар томонидан содир этиладиган жиноятларнинг олдини олиш тизими ва механизмларида бир-қатор ташкилий ва ҳуқуқий муаммоларнинг мавжудлиги, ушбу масалаларни ҳуқуқий тартибга солиш борасида илмий изланиш олиб бориш ва тегишли тавсия ва хулосаларни ишлаб чиқиш муҳимлигини белгилаб беради.

³ “Халқ сўзи”, 2014 й., 94 (6024)-сон; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 20-сон, 221-модда.

⁴ “Халқ сўзи”, 2016 й., № 182 (6617)-сон.

⁵ “Халқ сўзи”, 2016 й., № 184 (6619)-сон.

⁶ Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси. – 03.09.2019 йил., 03/19/561/3680-сон.



Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев томонидан таълим-тарбия, ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш жараёнларига катта эътибор қаратилмоқда. Хусусан, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг беш устувор йўналиши бўйича “Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”⁷ги Фармон қабул қилиниб, ҳаётга фаол тадбиқ этилмоқда. Ушбу дастурнинг тўртинчи тармоғи “Ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг устувор йўналишлари”, деб номланди. Бу ҳужжатда ёшлар ва айниқса вояга етмаган ёшлар орасида жиноятчиликнинг олдини олиш ишлари алоҳида илгари сурилади. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “**2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида**”⁸ги ПФ-60-сон Фармонидан келиб чиқиб, “**Янги Ўзбекистоннинг 2022–2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегиясининг** 16-мақсади жамоат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг содир этилишига сабаб бўлган шарт-шароитларни ўз вақтида аниқлаш ва бартараф этишнинг самарали тизимини яратиш. Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш”дан иборатдир.

⁷ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ–4947-сон Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 йил, 6-сон, 70-модда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 9 августдаги “Бола ҳуқуқларининг кафолатларини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”⁸ги Фармонидан келиб чиқиб, вояга етмаганлар ишлари бўйича республика идоралараро комиссияси, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳамда туман (шаҳар) идоралараро комиссиялари тегишлича Болалар масалалари бўйича миллий комиссия, Болалар масалалари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳамда туман (шаҳар) комиссиялари этиб қайта ташкил қилинди. *Қуйидагилар Миллий комиссиянинг асосий вазифалари этиб белгиланди:* боланинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини, унинг соғлом турмуш тарзини таъминлаш; болаларнинг жисмоний, интеллектуал, маънавий ва ахлоқий камол топишига кўмаклашиш; боланинг ота-она қарамоғидан маҳрум бўлишининг олдини олиш чораларини кўриш; болалар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасида давлат дастурлари ва бошқа дастурлар ишлаб чиқилишини ҳамда амалга оширилишини, шунингдек, уларнинг ижроси устидан назоратни ташкил этиш; болаларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя

⁸ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 9 августдаги “Бола ҳуқуқларининг кафолатларини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони. <https://lex.uz/docs/5570490>.



қилиш борасида кўрилатган чораларни баҳолаш, мониторинг қилиш ва самарадорлигини ошириш; тизимли камчиликларнинг сабаб ва шарт-шароитларини аниқлаш, таҳлил қилиш ҳамда уларни ҳуқуқни қўллаш амалиёти ва қонун ҳужжатларини такомиллаштириш йўли билан бартараф этиш;

болалар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикасига оид маълумотни тўплаш, сақлаш, қайта ишлаш, таҳлил қилиш ҳамда тегишли органлар ва муассасалар фаолияти самарадорлигини ошириш мақсадида улардан фойдаланиш;

давлат органлари ва ташкилотларнинг, шунингдек, ҳудудий комиссияларнинг болаларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштиришдан иборат.

Вояга етмаганлар жиноятчилигининг ҳозирги кундаги хавотирли ҳолати вояга етмаганлар ҳуқуқбузарлигининг олдини олиш, шундай ҳуқуқбузарлигини аниқлаш ва профилактик ишларни олиб боришнинг сифатини оширишни тақозо этмоқда.

Вояга етмаганлар жиноятчилиги умумий жиноятчиликдек айнан ижтимоий ҳодиса, чунки айнан ижтимоий ҳаётдаги ўзгаришлар туфайли пайдо бўлган шароитлар натижасида вояга етмаганлар жиноятчилиги ошмоқда.

Охирги пайтларда кўпгина оилаларда вояга етмаганлар тарбиясига эътибор сусайди, натижада шу оилалардан чиққан вояга етмаганлар келажакка ишонч туйғусини йўқотишади.

Жамият бу негатив жараёнларнинг пасив кузатувчиси бўла олмайди, ҳаттоки мана шундай ўтиш даврининг

кийинчиликларида ҳам, у ўсиб келаётган ёш авлоднинг бошига тушган ташвишларини камайтиришга, уларни енгиласан ёш авлодга кўмаклашишга ҳаракат қилмоқда⁹.

Вояга етмаганлар ҳуқуқбузарликларининг барвақт олдини олишда фуқаролик жамияти институтлари, жамоат тузилмалари ва кенг жамоатчилик билан ҳуқуқбузарликлар профилактикасини самарали амалга ошириш бўйича ҳамкорликнинг янги усул ва шакллари ишлаб чиқиб, бу борадаги ҳамкорликни янги босқичга олиб чиқишни тақозо этмоқда. Чунки, барча ички ишлар органлари соҳавий хизматлари ўртасидаги ҳамкорликларда ҳам ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича асосий маълумотлар жамоатчиликдан келиб тушади.

Вояга етмаганларнинг ҳуқуққа хилоф қилмишлари фақатгина моддий томондан эмас, балки ижтимоий ва ахлоқий томонлардан ҳам зарар етказади. Бундан ташқари, шуни айтиш керакки, вояга етмаганларнинг анча қисми охирги вақтларда борган сари кўпроқ жиноят содир этиб, уларнинг анчалари рецидивист булмоқдалар. Фикримизча, вояга етмаганлар жиноятчилигига оид профилактик ишларида айнан аниқлик етишмаяпти, яъни вояга етмаганлар жиноятчилигини олдини олишда маҳаллий шароитларнинг ўзига хос хусусиятлари, шахснинг алоҳида хусусиятлари ва унинг ўраб турган вазиятлар ва ҳоказалар.

⁹ Фокин В. Предупреждение правонарушений несовершеннолетних незанятых учебной, работой. – М., 2015. – С. 24.



Вояга етмаганлар жиноятчилигини олдини олиш учун нафақат давлат органлари, балки нодавлат ташкилотлар, уюшмалар, жамият ва бирлашмалар ва бошқаларнинг ўзаро зич ҳамкорлиги, уларга ижтимоий қўмак беришнинг турли усуллари қўллаш, профилактик ишларни ва бошқаларни амалга ошириш керак. Шунингдек, ёш авлод тарбиясига ҳам ғоят катта эътиборимизни қаратишимиз керак. Хулоса қиладиган бўлсак, вояга етмаганлар ҳуқуқбузарлигининг олдини олиш соҳасидаги ислохотларнинг долзарблигини қўйидагилар билан асослашимиз мумкин:

биринчидан, вояга етмаган шахслар томонидан содир этиладиган ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг ижтимоий хавфлилиги, уларнинг жамият ва давлат келажагига бевосита аҳамияти юқори эканлигини инobatга олган ҳолда, бундай жиноятчиликка қарши кураш тизимининг самардорлигини ошириш, бу борада янги самарали механизмларни жорий этиш зарурати юзага келганлиги;

иккинчидан, вояга етмаганлар томонидан содир этилаётган ҳуқуқбузарликлар ва жиноятлар сони нисбатан камайтиришга эришилган бўлса-да, ҳуқуқбузарлик ёки жиноят содир этаётган вояга етмаган шахслар сони ҳали ҳам юқориликча қолмоқда. Албатта, бугунги кун талаби ҳуқуқбузарлик ёки жиноятларни вояга етмаган шахслар томонидан содир этиш ҳолатини кескин қисқартиришни талаб қилмоқда;

учинчидан, вояга етмаганлар ҳуқуқбузарлиги профилактикаси бўйича амалдаги қонун ҳужжатларининг инвентаризацияси ва таҳлили мазкур соҳадаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва бартараф этиш, қонунчилик нормаларининг турлича шарҳланишига

йўл қўймасликка қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартириш киритиш зарурати мавжудлигини кўрсатмоқда.

Бундан ташқари, вояга етмаганлар ҳуқуқбузар ёшлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда давлат идоралари билан биргаликда нодавлат нотижорат ташкилотлар, сиёсий партиялар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг роли ва фаоллигини кучайтириш лозим;

девиант хулқдаги вояга етмаган ўсмирлар манфаатларидан келиб чиққан ҳолда уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишда халқаро стандартлар асосида дунё тажрибасини ўрганиб илмий тадқиқотларни ривожлантириш керак;

вояга етмаганлар ҳуқуқбузарликларининг олдини олиш бўйича доимий равишда жамоатчилик фикрини ўрганиб, келиб чиқаётган муаммоларни бартараф этиш бўйича мақсадли дастурлар яратиш ва ҳаётга тадбиқ қилиш зарур.

девиант хулқли вояга етмаган ўсмирлар орасида жиноятларнинг олдини олиш, республикада ижтимоий хавфсизлик ва ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш борасида тадбирлар ўтказилишини самарали ташкил этишга қодир бўлган ички ишлар идоралари ходимларининг юксак маънавий ва ахлоқий талабларга жавоб берадиган касбий билимларини мунтазам равишда оширишлари ва чуқур эгаллашларини ташкил қилиш лозим;

вояга етмаганлар ҳуқуқбузарлигининг олдини олиш тизимини такомиллаштиришда мамлакатимиз ва хорижий давлатларнинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралари



тўплаган илғор тажрибаларни қўллаш ва
оммалаштириш лозим.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 йил, 6-сон, 70-модда.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 9 августдаги “Бола ҳуқуқларининг кафолатларини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони. <https://lex.uz/docs/5570490>.
3. Исмаилов И. Вояга етмаганлар жиноятчилигининг криминологик тавсифи ва профилактикаси // Криминология. Махсус қисм: Дарслик / Муаллифлар жамоаси. — Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2015. — Б. 15.
4. Забрянский Г. И. Социология преступности несовершеннолетних. - Минск, 1997. - С. 77.
5. Захаров А.И. Как предупредить отклонения в поведении ребёнка. М. «Просвещение», 1986.
6. Исмаилов И, Зиёдуллаев М, Исраилова Н, Азимова Ф. Вояга етмаганлар назоратсизлиги ва ҳуқуқбузарликларини олдини олиш. Ўқув-амалий қўлланма. – Тошкент: РБИММ, 2011.
7. Исмаилов Б. Правовые аспекты защиты несовершеннолетних от вредного воздействия информационной среды. // Материалы международного форума «Социальное партнерства во имя ребенка: передовой отечественный и зарубежный опыт».- Ташкент, 25-26 ноябрь, 2014. – С. 130.
8. Исмаилов И. Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикасида ижтимоий шерикчиликнинг ҳуқуқий асослари. // Материалы международного форума «Социальное партнерства во имя ребенка: передовой отечественный и зарубежный опыт».- Ташкент, 25-26 ноябрь, 2014. – С. 132.